

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини  
мажбурий суғурта қилиш  
ШАРТНОМАСИ**

**14-00/00911104359-сон**

Урганч шаҳри

2022 йил «6» Январь

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган “ Палвон-гозовот” ИТБ Низом асосида ҳаракат қиладиган директори Р.Сабилов, бир томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 июнда берилган СФ№00144-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган «Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ Хоразм вилояти филиали Директори 2022 йил 05 январдаги №01/14-сонли бош ишоннома асосида ҳаракат қиладиган Абдуллаев О.Б. орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**1. Шартноманинг предмети**

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги №177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қондаларига мувофиқ суғурта ходисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

**2. Суғурта пули ва суғурта мукофоти**

2. Суғурта пули ушбу шартнома бўйича **9 141 856 392,29**(Туккиз миллиард бир юз кирк бир миллион саккиз юз эллик олти минг уч юз туксон икки )сўм **29** тийинни, шу жумладан дафн этиш харажатлари **810 000,00** (Саккиз юз ун минг) сўмни ташкил қилади.

3. Суғурта мукофоти ушбу шартнома бўйича **5 220 000,00** (Беш миллион икки юз йигирма минг) сўмни ташкил қилади.

4. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб **беш иш** куни мобайнида бир йўла тўланади.

**3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати**

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва **1(бир)** йил мобайнида амал қилади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охиригидан санадаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.

6. Суғурта мукофоти иш берувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маблағларининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.